

Ҳабибуллоҳ қори Олимжонов Қуръони Карим мусобақасида иштирок этиш учун Аммон шаҳрига жўнаб кетди



12:27 / 10.04.2023 1581

Тошкент ислом институти талабаси Ҳабибуллоҳ қори Олимжонов Иордания Ҳошимийлар Қироллигида ўтказиладиган 30-халқаро Қуръони Карим мусобақасида иштирок этиш учун Аммон шаҳрига жўнаб кетди. Бу ҳақда oliymahad.uz манбаси хабар берди.

Мазкур мусобақа 11-17 апрель кунлари ўтказилиб, унда 43 та давлатдан келган қорилар Қуръони Каримни тажвид қоидаси асосида ҳифз - ёддан ўқиб бериш йўналиши бўйича ўзаро рақобатлашади.

Ҳабибуллоҳ қорига ушбу нуфузли мусобақада совринли ўринларни қўлга киритишида Аллоҳдан муваффақият ва омадлар тилаб қоламиз.